БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 230 (5821).

7 Октябрь 1985 й.

ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

**Бугун — СССР Конституцияси куни**

## М. С. ГОРБАЧЕВ ФРАНЦИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачев 5 октябрь куни Париждан Москвага қайтиб келди. У Франция Республикасининг президенти Ф. Миттераннинг таклифига биноан расмий визит билан Францияда бўлган эди.

Внуково аэродромида М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Франциянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили П. Фиески бор эди.

(ТАСС).

# М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ВИЗИТИ

## В. И. ЛЕНИН КВАРТИРА-МУЗЕЙИНИ БОРИБ КЎРИШДИ



В. И. Ленин Музейида.

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). Франция меҳнаткашлари В. И. Лениннинг ўз мамлакатларида бўлганлиги тўғрисидаги хотирани авайлаб сақлайдилар. Кўплаб парижликлар Мари-Роз кўчасини биладилар. 4-уй пештоқида В. И. Ленин барельефи ўрнатилган ва қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган:

«Бу уйда 1909 йилнинг 6 июлидан 1912 йилнинг 12 июнигача В. И. Ленин яшаган».

Франция Компартияси КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти билан ҳамкорликда бу ерда учинчи қаватдаги квартирада музей ташкил этди. Музей 1955 йилнинг апрелида очилди. Франция коммунистлари бу ерга келувчиларнинг жаҳон пролетариати улуғ йўлбошчиси ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлишлари учун барча ишларни қилдилар.

Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев В. И. Ленин квартира-музейини бориб кўрди. Бу ерга йиғилган француз коммунистлари, меҳнаткашлар уни самимий табрикладилар. Юзлаб кишилар: «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин ФКП ва КПСС!» деган сўзларни бир овоздан такрорладилар.

М. С. Горбачевни ФКП Бош секретари Ж. Марше, партия Сиёсий бюросининг аъзолари К. Бийар, П. Блотэн, М. Венсан, Ж.-К. Гэссо, Ф. Лазар, П. Лоран, Ж. Моро, Г. Плиссонье, Ф. Эрзог кутиб олдилар.

ФКП аъзоси, квартира-музей мутасаддиси ўртоқ Ж. Лоринге музейнинг тарихи, унинг экспонатлари тўғрисида М. С. Горбачевга гапириб берди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари 1909—1912 йилларда рус революционерларининг чинакам штаби бўлган Ленин квартирасини зўр қизиқиш билан кўздан кечирди. У В. И. Лениннинг Париждаги фаолияти тўғрисида, КПСС билан Франция Компартиясининг тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, фотосуратлар, гравюралар билан танишиб чиқди.

М. С. Горбачев билан Ж. Марше ўртоқлар В. И. Лениннинг кабинет-хонасидан балконга чиқадилар. Париж меҳнаткашларининг вакиллари уларни қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ж. Марше йиғилганларга мурожаат қилиб, бундай деди:

Сизнинг бугун бу ерга келишингиз Франция билан СССР ўртасидаги ҳамкорликка яхши муносабатда эканлигингиздан далолат беради. Мен аминманки, сизларнинг кўпчилигингиз учун бу ФКП билан КПССни бирлаштириб турган бирдамлик рамзидир. Мен сизнинг номингиздан, бу ерда ҳозир бўлган барча кишилар номидан М. С. Горбачевни табриклайман ва «Хуш келибсиз!» дейман.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари микрофон олдига келади. У шундай деди:

Қадрли дўстлар! Бу ерга келганлигингиз учун сизларга самимий миннатдорчилик билдираман. Мен буни совет халқига нисбатан, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига нисбатан бўлган туйғуларнинг ифодаси деб, халқларимиз ва партияларимиз ўртасидаги қардошларча муносабатларнинг ифодаси, деб қабул қиламан.

Биз Францияга қилган визитимизни ғоят муҳим воқеа деб ҳисоблаймиз. Жаҳонда қийин масалалар ва проблемалар кўплаб тўпланиб қолган, кўпгина халқларнинг куч-ғайрат сарфлаши талаб қилинаётган ҳозирги пайтда биз, табиийки, Франция, француз халқи сингари ишончли шерикка умид боғлаймиз. Мен сизлар орқали француз халқини табриклайман. Совет халқининг қизғин саломини қабул қилгайсиз.

М. С. Горбачев ва Ж. Маршенинг нутқлари қизғин, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

М. С. Горбачев рассом П. Белоусовнинг В. И. Лениннинг Франциядаги ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи график асарларини, мактубларни, «Социал-демократ» ва «Пролетарий» газеталарининг Ленин мақолалари босилган 1909—1911 йиллардаги айрим сонларини, В. И. Лениннинг чет тилларда нашр этилган китоблар тўпламини музейга туҳфа қилиб топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари меҳмонлар китобига қуйидаги сатрларни ёзиб қолдирди: «Мари-Роз кўчасидаги музейни келиб кўриш биз учун қадрдон бўлган инсон — Владимир Ильич Ленин тўғрисидаги хотирани авайлаб сақлаётган французларга миннатдорчилик туйғулари билан қалбларимизни тўлдиради. Биз ҳамма нарсани Лениндан ўргандик, ўрганяпмиз ва ўрганаверамиз».





М. С. Горбачев ва Ф. Миттераннинг матбуот конференцияси.

## М. С. ГОРБАЧЕВ ВА Ф. МИТТЕРАННИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ва Франция Президенти Ф. Миттеран бугун Елисей саройида музокаралар тугагандан сўнг биргаликда матбуот конференцияси ўтказдилар.

Ф. Миттеран матбуот конференциясини очиш чоғида «М. С. Горбачев баён қилиб берган масалаларнинг бутун комплексини зўр қизиқиш билан эътиборга олганлиги»ни, совет раҳбари билан музокаралардан ҳар икки томон «бир-бирларининг фикри билан танишиш йўлида олға силжиди, шу тариқа ҳозирги дунё олдида турган мураккаб проблемаларни ҳал этишда тараққиётга кўмаклашиш имкониятига эга бўлди, деган фикрга келганлиги»ни уқтириб ўтди. У давлатлар ўз сиёсатида «сўнгги йилларда ҳаддан ташқари тез-тез жиддийлашиб турган халқаро муносабатларда кескинликни юмшатишни кўзда тутишлари» зарурлигини айтди.

Франция давлатининг бошлиғи француз—совет музокаралари чоғида гап энг аввало ва асосан қуролсизланиш, кучлар мувозанати тўғрисида, бинобарин, тинчлик тўғрисида ва тинчликни сақлаб қолиш шарт-шароитлари тўғрисида, уруш хатаридан қандай қилиб қутулиш ҳақида борганлигини таъкидлаб, шу муносабат билан барча стратегик қуролларни 50 процент қисқартириш хусусидаги янги совет таклифига алоҳида тўхталиб ўтди.

«Бу таклифни бевосита манфаатдор бўлган мамлакатлар — АҚШ билан СССР тағин ҳам конкретроқ муҳокама қилишлари керак, — деди Президент. — Бунинг учун уларда ҳамма имкониятлар: экспертлар, тегишли маълумотлар мавжуд. Улар таққослаш мумкин бўлган масалаларни таққослашлари, баҳсли нарсалар тўғрисида баҳс юритишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, музокараларда олға силжиш учун СССР билан АҚШ ихтиёрида барча имкониятлар бор. Мен КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг келгуси ойда АҚШ президенти билан бўладиган учрашуви ҳам ана шу мақсадга кўмаклашади, деб умид қиламан. Уларнинг Женевадаги музокаралари муваффақиятидан ҳамма, шу жумладан, бу музокараларда иштирок этмаётганлар ҳам манфаатдордир, чунки тинчлик бизнинг умумий ишимиздир».

Франсуа Миттеран қуролланиш пойгаси космосга чиқарилмаган тақдирдагина қурол-яроғларни анча камайтиришга муваффақ бўлиш мумкинлигини таъкидлади.

«Франция ҳамиша ўз иттифоқчилари билан ихтилофлар келиб чиқишига йўл қўймасликка интилиб келди, американлик дўстлар ҳам шу иттифоқчилар қаторига киради, деб давом этди Президент. — Яқиндагина ҳаммага яхши маълум бўлган вазиятда Франция космик қуролларни яратишда ҳеч қандай шаклда иштирок этмаслигини айтишга мажбур бўлган эди. Бу қурол мавжуд қуроллардан фарқ қилади. Ядровий қуролларни космосга олиб чиқиш ракетага қарши мудофаа системалари тўғрисидаги 1972 йилги аҳдномаларнинг барбод бўлишини билдирибгина қолмай, қуролланиш пойгасининг янги даврасини бошлашни, қуролланишнинг бошқа формаларига ўтишни ҳам билдиради, мен бу қуролларнинг характерини ҳозирги пайтда аниқлаб беришга қодир эмасман.

Америка раҳбарларининг бу ҳақда менга айтган гаплари ёдимда, албатта. Улар буни мудофаа қуроли деб ҳисоблайдилар, аммо мен бу ҳақда мунозара қилмоқчи эмасман. Франция стратегик мудофаа ташаббуси программасида қатнашмаслигини, космос уни ҳам қизиқтиришини, лекин космосни ўзлаштириш ва ҳозирги инсоният ундан фойдаланишининг бошқа усуллари ҳам мавжуд деб ўйлашини маълум қилди».

Президент Франция ўзининг ядро қуроллари ҳисобга олинишидан муттасил бош тортиб келганлигини эслатиб, Франциянинг ядровий кучлари унинг иштирокисиз муҳокама қилиниши мумкин эмаслигини таъкидлади.

Бизнингча, деб давом этди у, қуролсизланиш проблемаси бир вақтнинг ўзида ҳар томонлама: фақат ўртача олислик ядро қуролларига эмас, стратегик қуроллар ҳам, шунингдек, оддий ноядровий воситалар ҳам, энг муҳими эса, химиявий қуроллар ва ракеталарга қарши воситалар муҳокама қилиниши лозим. Франция ўзаро фикрлашувдан, хусусан Совет Иттифоқи билан ўзаро фикрлашувдан воз кечаётгани йўқ, қарор топган ёки қайта бошланаётган мулоқот бунинг яхши усулидир, лекин музокаралар бўлиши мумкин деган фикр хаёлимга келмаган эди.

«Мамлакатларимиз аҳволи бир хил эмас. Биз турли хилдаги жамиятга мансубмиз. Биз бошқа-бошқа иттифоқларга аъзомиз. Бир-биримизни ажратиб турган масофани яқинлаштириш учун ҳамжиҳатлик кўрсатиш ва ҳамкорликни кенгайтиришнинг барча имкониятларига кўмаклашиш лозим. Биз айнан шундай қилдик ва шундай қилаверамиз, чунки, Бош секретарь бизни келгуси йилда Москвага ташриф буюришга лутфан таклиф этди ва мен бу таклифни қабул қилдим».

Бошқа мавзулар ҳам тилга олиб ўтилди, албатта, деб давом этди сўнгра Президент, хусусан Стокгольм конференцияси келгуси йилнинг ўрталарига қадар унда иштирок этаётган 35 мамлакатнинг бир фикрга келиши билан тугалланиши зарурлиги ҳақидаги истагимиз, Хельсинки кенгаши якунловчи актининг барча бандлари ҳозиргидан кўра ҳам кўпроқ даражада ҳаётга жорий этилиши зарурлиги ҳақидаги истакларимиз ҳам тилга олиб ўтилди.

Биз регионал можаролар деб аташ мумкин бўлган бошқа ғоят муҳим жиҳатларни ҳам тилга олиб ўтдик, деб таъкидлади Ф. Миттеран.

«Икки томонлама муносабатлар соҳасида бизнинг суҳбатларимизда савдо, савдо балансининг мувозанати, космосни тинч ўзлаштириш деб аташ мумкин бўлган соҳада бир қанча лойиҳалар, технология соҳасидаги ғоят катта муваффақиятларга оид бўлди. Хусусан, ядро синтези деб аталаётган соҳа тўғрисида гаплашиб олдик. Бу соҳада ҳар икки мамлакатимиз ғоят илғор технологияга эгадир. Қисқача қилиб айтганда, биринчи ёки иккинчи томон қандайдир ютуқларга, бойлик ва муваффақиятга эга бўлган, ана шу ютуқлардан ўзаро фойда олиш мумкин бўлган ҳамма соҳалар тўғрисида фикрлашиб олдик».

Пировардида Ф. Миттеран бундай деди: мен айтган ҳозирги фикрларимнинг ҳаммаси дунёнинг энг муҳим проблемаларини жиддий муҳокама қилганлигимиз учун, шунингдек, Бош секретарь бошқа ҳамма ишлардан ташқари бу муҳокамани тағин ҳам самимийроқ ҳамкорлик қилиш мумкинлигини олдиндан кўра билишга имкон берадиган тарзда олиб борганлиги учун ўзига хос миннатдорчилик сифатида қабул қилинишини истар эдим. Бу эса ҳар икки мамлакатимизнинг бутун даврлар давомидаги ва айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихий анъаналарига тўла мос бўлиб тушар эди. Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқи, шунингдек, биз ҳам оғир талафотлар берганмиз. Берилган қурбонлар учун Совет Иттифоқи халқларига яна бир бор миннатдорчилик билдирамиз, Франциянинг озод қилиниши ана шу қурбонларнинг қаҳрамонона натижаларидан бири бўлди.

Сўнгра **М. С. Горбачев** баёнот берди. У бундай деди:

Президент жаноблари,

Мен Сиздан эстафетани қабул қилиб олаяпман. Биз Францияга нега ва нима учун келганимизни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Биз Совет Иттифоқида шунга асосланиб иш тутяпмизки, ҳозир дунёдаги вазият, аввало, халқаро миқёсда катта салмоққа эга бўлган мамлакатлардан масъулиятли қарорлар ва масъулиятли ҳаракатлар талаб қилаётган ривожланиш босқичида турибди. Бунда мен Совет Иттифоқини ҳам, АҚШни ҳам, Францияни ҳам, Англияни ҳам, бошқа мамлакатларни ҳам назарда тутаман. Агар ҳаммамиз биргаликда киришсак, ҳозирги дунёнинг реалликларига асосланиб яхшироқ, хавф-хатарсизроқ дунёни барпо эта оламиз, тараққиётни таъминлай оламиз, халқаро вазиятни соғломлаштиришга эриша оламиз.

Ўз сиёсий системаларимиз, идеологияларимиз, дунёқарашларимиз нақадар хилма-хил бўлмасин, биз ҳаммамиз ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик билан характерланадиган тинчликка эришиш йўлини қидириш зарурати қаршисида турибмиз. Биз — мулоқот тарафдоримиз. Ҳар ҳолда совет раҳбарлари мана шуларнинг ҳаммаси — соғлом ақл-идрокнинг табиий талаби, деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи учун Франция мана шу масалаларни биргаликда муҳокама қиладиган муҳим шерикдир. Биринчидан, бу соҳада анъаналаримиз бор. Мана шу анъаналар ҳозирги муносабатларимизга далда бериб турибди. Бу анъаналар келгусидаги муносабатларимизга ҳам далда бераверади, деб ўйлайман. Мен анъаналар ҳақида гапирганимда сиёсий характердаги, давлат раҳбарлари даражасидаги алоқаларнигина назарда тутаётганим йўқ. Аввало, халқларимизни ўн йиллар, юз

(Давоми иккинчи бетда).

## ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачев ўзининг Францияга қилган расмий визити муносабати билан зиёфат берди.

Зиёфатда: Франция томонидан — Республика Президенти Ф. Миттеран, Бош министр Л. Фабиус, Миллат мажлисининг раиси Л. Мермаз, сенат раиси А. Поэр, ҳукумат аъзолари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, савдо-саноат, фан ва маданият доираларининг вакиллари; Совет томонидан — визитда қатнашаётган расмий кишилар, СССРнинг Франциядаги элчиси Ю. М. Воронцов, Франциядаги совет муассасаларининг ходимлари бор эдилар.

Зиёфатда М. С. Горбачев ва Ф. Миттеран нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

## М. С. ГОРБАЧЕВ Ж. Марше билан учрашди

ПАРИЖ, 5 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Ж. Марше билан учрашди.

Қардошларча дўстлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида М. С. Горбачев олий даражадаги Франция — Совет музокараларининг якунлари тўғрисида сўзлаб берди. Ж. Марше француз коммунистлари КПСС ва ФКПнинг қўшма баёнотида Франция — Совет муносабатларини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, бу борадаги барча мавжуд резервлардан фойдаланиш француз халқининг ҳаётий манфаатларига мос келажаги тўғрисида изҳор қилган астойдил ишончни яна бир бор таъкидлади.

Иккала томоннинг фикрича, муҳолифликни камайтириш, қуролланиш пойгасини чеклаш ва кескинликни юмшатишга қайтиш йўлида олға томон қўйиладиган ҳар қандай қадамлар ишчилар синфи, бутун демократик ва тинчликсевар жамоатчилик томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. М. Александров, В. В. Загладин, Л. М. Замятин, ФКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Гремец иштирок этдилар.

## АВТОЗАВОД БИЛАН ТАНИШУВ

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). Бугун куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачев Париж яқинидаги Пуасси шаҳрида «Пежо» автомобиль компанияси заводига борди. Шу фирма автомашиналарининг маркалари Францияда ҳам, шунингдек, ундан ташқарида ҳам машҳурдир.

М. С. Горбачев автомобиль кузовлари йиғиладиган цехда бўлди. Фирма ва завод раҳбарлари унга корхонанинг реконструкция қилинганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Натижада аввалги ишлаб чиқариш майдонларида юқори унумли замонавий техникани жойлаштиришга муваффақ бўлинди. М. С. Горбачев роботлар билан жиҳозланган тез ўзгарувчан технология линияларининг иши билан қизиқди. Бу ерда ҳар куни уч хил моделдаги мингта «Пежо» енгил автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

«Пежо — Ситроен» автомобиль группасининг президенти Ж. Кальве совет корхоналари ва ташкилотлари билан амалий алоқаларни ривожлантиришни ёқлаб гапирди.

Заводни кўздан кечириш чоғида Франция саноатни қайта қуриш ва ташқи савдо министри Э. Крессон М. С. Горбачевга ҳамроҳлик қилди.

## М. С. Горбачев Москвага жўнаб кетди

ПАРИЖ, 5 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачевнинг Францияга қилган расмий визити ниҳоясига етди. Бугун у Париждан Москвага жўнаб кетди.

Визитда иштирок этган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Н. Д. Комаров, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик Е. П. Велихов у билан бирга жўнаб кетдилар.

СССР билан Франциянинг давлат байроқлари кўтарилган Орли аэропортида М. С. Горбачевни Франция Бош министри Л. Фабиус, ҳукумат аъзолари, Франциянинг СССРдаги элчиси Ж.-Б. Рэмон, шунингдек СССРнинг Франциядаги элчиси Ю. М. Воронцов кузатиб қолдилар.

М. С. Горбачевга олий ҳарбий иззат-икром кўрсатилди. Учиш майдонида Франция қуролли кучлари уч туридан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Қоровул бошлиғи Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонга рапорт берди. Совет Иттифоқи ва Франция Республикасининг Давлат гимнлари ижро этилди.

М. С. Горбачев билан Л. Фабиус фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. М. С. Горбачев Франция ҳукуматининг аъзолари, дипломатлар билан, Франциядаги совет муассасаларининг ходимлари, бошқа расмий кишилар билан самимий хайрлашди.

Л. Фабиус М. С. Горбачевни самолёт зинапояси олдигача кузатиб, унга оқ йўл тилаб қолди.

# М. С. ГОРБАЧЕВ ВА Ф. МИТТЕРАННИНГ БИРГАЛИКДАГИ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Боши биринчи бетда).

йиллардан бери бирлаштириб келаётган жамики анъаналарни назарда тутяпман. Бу — Россия билан Францияга, Совет Иттифоқи билан Францияга инсоният тарихининг энг қийин даврларида учрашиш, энг ўткир, ҳаётий муҳим проблемаларни муҳокама қилиш, мана шундай проблемаларни ҳал этиш йўлларини қидириш билан шуғулланиш имконини доимо бериб келган яхши асосдир. Биз айни мана шу фикрга асосланиб, Президент Ф. Миттераннинг Францияга келиш тўғрисидаги таклифини қабул этдик. Меҳмондўстлик учун сизларга яна бир бор астойдил ташаккур айтмоқчиман.

Сиз айтган гапларга шуни қўшимча қилмоқчиманки, бизнинг мамлакатларимиз визитдан аввал ҳам, визит давомида ҳам, — бу визит эса тугай деб қолди, — ўз ижтимоий-сиёсий системасида бўлиб келди ва шу системада қолмоқда, уларнинг ҳар бири ўз идеологиясига эътиқод қилмоқда, кеча қайси ҳарбий-сиёсий иттифоқларга мансуб бўлган бўлса, ҳозир ҳам уларга мансубдир, эртага ҳам уларга мансуб бўлаверади. Мен ҳам, Президент жаноблари ҳам музокаралар чоғида бир-биримизни бошқа эътиқодга ўтказиш вазифасини асло ўз олдимизга қўйганимиз йўқ. Аммо биз турли системаларга, ҳарбий-сиёсий ташкилотларга мансублигимиз Совет Иттифоқи билан Франция, Бош секретарь билан Президент ўтказаётган мулоқотнинг аҳамиятини камайтирадими, ахир?

Эҳтимолки, бунинг биронбир маънода ўз афзалликлари ҳам бордир, деб ўйлайман. Шу кунларда бўлиб ўтган суҳбатлар ва учрашувларни Президент жаноблари сизларга таърифлаб айтган гаплар ҳам шу хулосани тасдиқлайди — Франциянинг бошқа сиёсий арбоблари билан ўтказилган суҳбатлар ҳақида гапирмаганда ҳам, биз Президент билан уч марта якка-якка учрашдик. Менинг бу гапим Президентнинг фикри билан бир жойдан чиққанлиги жуда муҳимдир. Совет Иттифоқи ва Франция раҳбарлари ҳар бири ўз реал вазиятида туриб мавжуд тафовутлардан устун бўла олдилар ва дунёда содир бўлаётган жараёнларни таҳлил этишга, ўз мулоҳазаларини таққослашга, дунёдаги воқеалар ва халқаро вазият яхшилик сари ўзгариши учун Совет Иттифоқи билан Франция қандай ҳисса қўша олиши хусусида фикрлашиб олишга муваффақ бўлдилар. Бу эса Совет раҳбарлари ҳам, Франция раҳбарлари ҳам тинчлик тақдири учун зўр масъулиятни сезаётганларидан далолат беради, деб ўйлайман. Бу эса мулоқот ўтказиш ва дунёдаги вазиятни соғломлаштириш йўлида биргаликда ёки баб-баравар ҳаракат қилиш йўлларини белгилаб олиш учун жуда муҳим, деб ўйлайман.

Умуман, биз шу кунларда Президент Ф. Миттеран билан, Франциянинг бошқа давлат ва сиёсат арбоблари билан бўлиб ўтган суҳбатларни юксак баҳолаймиз. Бу — мазмундор суҳбатлар бўлди, улар амалий руҳда ўтди. Моҳият эътибори билан бу суҳбатлар ошкора шаклда, ўзаро ҳурмат ва хайрихоҳлик руҳида ўтди.

Президент бўлиб ўтган суҳбатларнинг мавзуларига тўхталиб ўтди. Ҳозирги хатарли халқаро вазиятнинг энг қалтис муаммолари суҳбатларимизнинг марказида бўлди. Икки ўртада бир қанча конкрет масалалар хусусида тафовутлар борлиги мутлақо тушунарли. Бироқ вазиятни соғломлаштириш ва халқларнинг боши узра таҳлика солиб турган хавф-хатарни йўқотиш учун, воқеаларни муҳолифликдан кескинликни юмшатиш сари буриб юборишга кўмаклашиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиш зарурлиги бир хил тушунилаётганлиги ҳам аниқланди. Мен учрашувларимиздан Президент ҳам шу нуқтаи назарга амал қилаётганига ишонч ҳосил этдим.

Музокараларимизда «кескинликни юмшатиш» сўзи ўтмишни эслашга берилиб кетганимиз учунгина тилга олинмаганини Президент жаноблари айтиб ўтди. Таъбир жоиз бўлса, буни кескинликни юмшатиш жараёнидан олинган муайян сабоқ дейиш мумкин. Бу жараён нега бир оз бўшашиб, унга путур етиб қолганлигининг сабабларини ҳозир батафсил суриштириб ўтирмаймиз. Агар катта мезонларга қараб фикр юритадиган бўлсак, агар тинчликни сақлаб қолиш проблемаларига зўр масъулият билан қарайдиган бўлсак, кескинликни юмшатишга қайтиш ғоят зарурлигини ҳаммамиз ҳам ҳис этиб турибмиз. Шу муносабат билан бу ерда ҳам, суҳбатларимиз чоғида ҳам кескинликни юмшатиш ҳақида, унга қайтиш бемалол мумкинлиги тўғрисида гапириб ўтилди.

Мислсиз қуролланиш пойгасига қандай қилиб чек қўйиш масалалари суҳбатларимизда асосий мавзу бўлди. Биз Парижда турган пайтимизда Америка Қўшма Штатларининг раҳбарлари олдига қўйган ва Женевадаги музокараларда кўриб чиқилган таклифларимизни Франция Президентига, парламентига, жамоатчилигига, халқига маълум қилдик. Бу масалалар Франция ва Совет Иттифоқи раҳбаринигина қизиқтириб қолмай, барча халқларни, соғлом фикрли барча сиёсий раҳбарларни, қуролланиш пойгаси, муҳолифлик ва душманлик жазавасига берилмаган ҳамма кишиларни қизиқтирмоқда.

Ҳозир янги таклифларимизни такрорлаб ўтирмайман. Улар сизларга маълум. Фақат шуни айтиб ўтмоқчиманки, икки ўртада жуда асосли равишда ўтказилган фикрлашувдан кейин Франция раҳбарлари, шахсан Президент таклифларимизнинг муҳимлигини, уларнинг амалий потенциалини тушунганликларини изҳор этдилар. Биз шу таклифларни илгари суриш орқали кейинги ойлар мобайнида совет раҳбарлари айтиб келган гапларни рўёбга чиқардик. Космосга зарбдор космик қуроллар чиқарилмаган шароитда Совет Иттифоқи ядро қуролини тубдан қисқартиришга тайёр. Проблеманинг моҳияти мана шундан иборат. Масаланинг шу тарзда қўйилиши Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ташқи ишлар министрлари ўртасидаги январь аҳдномасига мос бўлиб тушади.

Женевадаги музокарадошларимиз бир неча ҳафта ва бир неча ой муқаддам, қани ўша туб таклифларингиз, деб айтишган эди. Шу масалалар хусусидаги хабарлар бизга келиб турган эди. Энди биз ўша кимсаларнинг ўзидан, нега ўз таклифларингиз билан шунчалик қистовга олаяпсизлар, деган гапни эшитаяпмиз.

Бу нарса менга Хўжа Насриддиннинг бир саргузаштини эслатади. Айтишларича, у Бухорода эшак миниб бораётганида, қари эшакка ёш йигит миниб олганини ҳали кўз ҳам кўрмаган, қулоқ ҳам эшитмаган эди-ку, дейишибди. Шунда Насриддин эшакдан тушиб уни орқалаб шаҳардан ўтаётганида, буни қаранг, одам эшакни орқалаб олармишми, дейишибди.

Биз конкрет қадамлар қўядиган вақт келди, деб ҳисоблаймиз. Нега? Чунки, энди биз, ҳа, яхшироқ дунё тарафдоримиз; ҳа, халқаро вазиятни нормаллаштириш йўлидан борамиз, деб айтишнинг ўзи камлик қиладиган чизиққа яқинлашиб қолдик. Агар бу гаплар конкрет ишлар билан мустаҳкамланмаса, биз уни сиёсий сафсатабозлик, халқларни алдаш, деб айтамиз.

Совет Иттифоқи илгари ўз ихтиёри билан кўрган чораларга қўшимча равишда биз Женева музокараларига амалий тус бахш этиш учун янги қатъий таклифларни ўртага қўйдик. Агар қуролланиш пойгаси ҳозир тўхтатилмаса дунёнинг келажаги нима бўлишини эҳтимолки биз бошқалардан кўра яхшироқ биламиз, ҳар ҳолда америкаликлардан ёмон билмаймиз. Мана шуни билиш эса бизнинг масъулиятимизни кучайтиради.

Вазият шу қадар кескин бўлиб турган бир пайтда, қуролланиш пойгасининг космос билан боғланган янги босқичи бошланиб кетса, унда биз музокаралар олиб бора оламизми, йўқми, буни билмайман. Музокараларга қандай ёндашмоқ керак, буни ҳамма тушуниб олиши лозим. Дарвоқе, матбуот ҳам ҳозирги халқаро ишлардаги даврнинг жиддийлигини тушуниш даражасига кўтарилиши керак. Сиз, журналистлар редакторларга ва нашрларингизни пул билан таъминлаб турган кишиларгагина хизмат қилиб қолмай сизлар, сизлар, аввало, халқларга хизмат қилишингиз лозим. Бир жойда тўхтаб, ниҳоят, миями ишга солиб, қаерда турганимизни бир ўйлаб олиб, шундан кейин ҳаракат қилиш, конкрет қадамлар қўйиш умумий талаб бўлиб қолди. Биз Совет Иттифоқида ҳозирги талабни шундай тушуняпмиз, уни шундай ҳис қиляпмиз. Бу — содда формула, содда фикр бўлса ҳам, аммо биз унда ўз халқининг тақдири учун, бошқа халқларнинг тақдири учун масъулият туйғуси бор, деб ҳисоблаймиз. Бунда таклиф, амалий изланиш бор. Биз шундай қилишга тайёрмиз.

СССР ташқи ишлар министрининг АҚШ Президенти Рейган ва давлат секретари Шульц билан ўтказган учрашувлари якунларидан менга маълум бўлган гаплар муайян даражада умид уйғотади. Энди биз одатдагидек: «Йўқ, бу пропаганда», деган сийқа жавобни эшитмадик.

Менинг назаримда, Америка Қўшма Штатларининг афкор оммасида, сиёсий доираларида ва конгрессида сергак, реалистик фикрлар етилмоқда. Қўшма Штатлар номидан гапиришим қийинлиги табиий. Аммо биз музокараларнинг янги давраси бошланган ва бизнинг таклифларимиз столга қўйилган Женевада ҳам, Президент Рейган билан бўлажак учрашувда ҳам АҚШ бу проблемага жиддий масъулият билан ёндашади, деб умид қиламиз. Шу маънода мен Миттеран жанобларининг Совет Иттифоқи билан АҚШга бевосита таааллуқли проблемалар борлиги ва музокаралар жараёнини қотиб қолган нуқтадан нормаллашув тарафга силжитиб юбориш кераклиги хусусидаги фикрига қўшиламан.

Совет Иттифоқида дунёдаги вазиятни ўзгартиришга жиддий аҳд қилинган.

Биз Париждаги музокараларда ўртача олислик ракеталари проблемаси устида ҳам гаплашиб олдик. Бу масалани ҳам биз мужмаллик ҳолатидан чиқариб олишни истаймиз. Америка томони ҳам бу масалани Женевада муҳокама қилмоқда. Ғарбий Европада «Першинглар» ва қанотли ракеталар жойлаштирилаётганлиги фактдир.

Биз ўз позициямизни ривожлантириб ўртача олислик ракеталари тўғрисида янги таклифлар киритдик. Шу тариқа янги вазият вужудга келтирилмоқда, деб ҳисоблаймиз. Мен Миттеран жанобларига шу гапни айтдим. Биз Француз ядро кучларини умуман «Совет-Америка ведомости»га киритганимиз йўқ ва киритмоқчи ҳам эмасмиз.

Энди биз бу проблемани Франция билан, шунингдек, Англия билан ҳам муҳокама қилиш лозимлигини айтаяпмиз. Франция билан фикрлаша бошлаш учун имконият очилмоқда. Эҳтимолки, бу фикрлашув кейинчалик бирон-бир босқичда музокараларга айланар.

Биз Франция олдига унинг ядро потенциалини қисқартириш, унинг ҳарбий программаларини амалга оширишни тўхтатиш масаласини қўяётганимиз йўқ. Бу — Франциянинг иши. Бизнинг тушунишимизча, у бу масалага ўз позициялари нуқтаи назаридан, дунёда содир бўлаётган ҳамма жараёнларни эътиборга олиб ёндашади. Аммо биз, келинглар, суҳбатлашишни бошлайлик, бу проблемани бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўргана бошлайлик, деб айтяпмиз. Эҳтимол, тегишли ядро воситалари учун бирон-бир мақбулроқ эквиваленти топилиб қолар. Ҳар ҳолда бу — биринчи қадам. Биз Ф. Миттеран билан бу хусусда обдон фикрлашиб олдик. Менинг тушунишимча, Президент жаноблари бу проблема хусусидаги фикрлашувларни давом эттиришдан бўйин товламайди. Биз ҳам шунинг тарафдоримиз.

Биз Лондондаги элчимиз орқали М. Тэтчер хонимга ҳам шундай таклиф билан мурожаат этдик.

Биз яқиндагина ўз ихтиёримиз билан қўйган қадамимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳам тушунтириб бердик. Шу қадам натижасида Европа зонасидаги СС—20 ракеталарининг миқдори ҳозир ўтган йилнинг июнигача бўлган миқдордан ошмаган. Қўшимча равишда ўрнатилган СС—20 ракеталари ҳозирги вақтда жанговар навбатчиликдан чиқариб олинди, шу ракеталар жойлаштириладиган доимий иншоотлар эса яқин икки ой ичида қисмларга ажратиб олиб кетилади. Текширмоқчи бўлган киши фотосуратга олиши ҳам мумкин. Гўё биз бу ракеталарни Осиёга олиб кетмоқчимиз, деган шамалар қилинмоқда. Аммо бу, инсофсизлик билан қилинаётган шамалардир. Модомики, Совет Иттифоқи бирон-бир гапни айтар экан, уни жиддий равишда қилади.

Бизнинг Осиёдаги ракеталаримиз миқдори АҚШнинг шу регионидаги тегишли потенциалига тенгдир, ундан кўп ҳам, оз ҳам эмас. Агар АҚШ бу потенциални кўпайтирмаса, биз ҳам кўпайтирмаймиз. Агар вазият яхшилик сари ўзгарадиган бўлса, биз ҳам шунга яраша иш кўрамиз.

Президент билан биз Европа хавфсизлиги масалаларига кўп вақт бағишладик. Бу соҳада Франция билан биргаликда куч-ғайрат сарфлаш тажрибамиз бор. Шу тажриба ҳамкорликнинг салмоқли потенциалини орттириш имконини берганлиги маълум. Шу тажрибадан фойдаланиб, Хельсинки аҳдномаларига асосланувчи Европа жараёнини давом эттириш, унга янада кўпроқ мазмун бахш этиш мумкин.

Кеча мен парламентда сўзлаган нутқимда шу проблемаларнинг бутун комплекси хусусидаги позициямизни баён этиб бердим. Мен уни такрорламоқчи эмасман. Менимча, ишнинг моҳияти шундан иборатки, иккала томон —СССР билан Франция Умумевропа жараёнини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ихлосмандлари бўлиб қолмоқдалар, бу ҳақда Президент жаноблари яна бир бор гапирди. Франция каби биз ҳам Хельсинки акти қоидаларининг ҳамма қисмларини бажариш тарафдоримиз, Европа қитъасидаги вазиятни соғломлаштириш бутун дунё учун жуда катта аҳамиятга эга бўлишига менинг ишончим комил. Европада ҳарбий сиёсий гуруҳлар бевосита бақамти бўлиб турибди. Бу қитъанинг халқлари ўз тарихидан муҳим сабоқлар чиқариб олганлар. Хельсинкидаги кенгашдан кейин ҳамкорлик ва хавфсизлик йўлидан олға бориш имконини берадиган ҳуқуқий асос ҳам бор.

Ўз вақтида СССР билан Франция Стокгольм конференциясининг ташаббускорларидан бўлган эдилар. Бу конференцияни аҳдномалар ишлаб чиқиш сари қатъийроқ буриб юбориш пайти келди, деб ҳисоблаймиз. Дарвоқе, бизнинг англашимизча, Франциянинг фикрига кўра ҳам, у ерда ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлларини активроқ қидириш имконияти бор.

Биз Президент Миттеран билан суҳбатларда бир қанча регионал проблемаларни ва мавжуд кескинлик манбаларини кўриб чиқишга муносиб эътибор бердик. Шу проблемалардан баъзиларини баҳолашда ўртамизда ҳамжиҳатлик бор. Бошқаларини анализ қилишда ҳам, уларга ёндашишда ҳам тафовут мавжуд. Аммо шу кескинлик ўчоқларидаги ўтни ҳар бир мамлакатнинг мустақиллиги ва суверенитетини тўла ҳурмат қилиб, сиёсий воситалар билан ўчириш керак, деган бир фикрга келдик. Мана шу фикрлашув доирасида биз Африка жанубидаги, Яқин Шарқдаги, Марказий Америкадаги вазиятни ва бошқа проблемаларни кўриб чиқдик.

Биз Парижга икки томонлама совет-француз муносабатларига янги омил бахш этиш истаги билан келдик. Президентнинг позицияси ҳам бизнинг шу муддаомизга мос келишини тушундим. Шу масалаларни муҳокама қилиш натижалари СССР билан Франция ўртасидаги сиёсий мулоқотни активлаштириш, иқтисодий ҳамкорликни ва савдо-сотиқни кучайтиришга умид қилиш имконини беради.

Кейинги йилларда иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантириш суръатлари жадаллашганини, бу алоқалар икки баравар ошганлигини биз ижобий баҳолаймиз. Аммо ҳозирги даража мамлакатларимизнинг имкониятлари миқёсларига мувофиқ эмас. Шу сабабли биз изланишларни активлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги муносабатларимизга кўпроқ ташаббускорлик бахш этиш тўғрисида келишиб олдик. Шу масалалар юзасидан ҳозиргина битим имзоланди.

Кўпгина конкрет, қизиқарли лойиҳалар, жумладан, бир неча йирик лойиҳалар ҳам пайдо бўлди. Биз ўз томонимиздан буни табриклаймиз. Бу ҳам умумий вазиятни соғломлаштиришга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Боя таъкидлаб ўтганимдек, биз сиёсий мулоқотни кучайтириш ҳақида шартлашиб олдик. СССР Олий Совети Президиуми номидан мен Президентни мамлакатимизга ташриф буюришга таклиф қилдим. У Совет Иттифоқида азиз меҳмон бўлади. Визитлар ўртасидаги танаффуслар қисқароқ бўлса, проблемалар ҳам, эҳтимол, камроқ бўлар. Биз шундай бир ғоя устида ҳам фикрлашиб олдик: «Токамак» деб аталган лойиҳа бор. Термоядрони синтез қиладиган мана шу лойиҳани ишлаб чиқишда Совет Иттифоқи, Франция, Қўшма Штатлар, Япония ва бошқа мамлакатлар қатнашган. Ҳозирги вазиятда шу лойиҳани биргаликдаги куч-ғайратлар билан амалга ошириб, тадқиқотларимизни аслида битмас-туганмас энергия манбаини ҳосил қилиш йўлига олиб чиқиш имкониятини берса бўлмасмикин, деган масала устида ўйлаб кўриш мароқли бўлур эди. Бу — жозибадор ғоя. Бу — тинч ғоя эканини эътиборга олиб, уни ўз вақтида амалга ошириш ўринли бўлур эди, акс ҳолда кимдир бошқа бир ғояни кўтариб чиқиши мумкин. Мутахассисларимизнинг менга айтишларича, бизнинг бу таклифимизни рўёбга чиқариш учун реал умидлар бор.

Умуман, бизнинг назаримизда, музокараларимизнинг якунлари ижобий бўлибгина қолмай, ҳатто мен бу якунларни салмоқли, деган бўлур эдим. Музокараларнинг якунлари совет ва француз халқларининг манфаатларига, Европа ва халқаро хавфсизликнинг кенг манфаатларига хизмат қилади.

Сўзимнинг охирида, шу фурсатдан фойдаланиб, меҳмондўстлик учун, мамлакатимизга ва бутун совет халқига нисбатан изҳор этилган меҳр-муҳаббат ва ҳурмат туйғулари учун Президент Ф. Миттеранга, Франция ҳукуматига, сиёсат ва жамоат арбобларига, барча аёл ва эркак французларга, шу кунларда биз учрашган барча кишиларга миннатдорчилик изҳор этаман.

Матбуот конференциясининг охирида М. С. Горбачев билан Ф. Миттеран мухбирларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтардилар.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЖАВОБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ конгрессининг «Конгрешнл рекорд» расмий вестнигида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Америкадаги «Тайм» журнали саволларига қайтарган жавоблари тўла тексти эълон қилинди.

«М. С. Горбачев «Тайм» журналининг Совет—Америка муносабатлари ва олий даражада ўтказиладиган учрашувлари проблемалари хусусидаги саволларига муҳим ва ёрқин жавоблар қайтарди», деб таъкидлади шу ҳужжатнинг «Конгрешнл рекорд» вестнигида эълон қилинишини таклиф этган демократ П. Саймон сенатда сўзлаган нутқида. Совет раҳбарининг жавоблари, деб уқтирди у, АҚШ «конгресси ва маъмуриятида синчиклаб ўрганилишга сазовордир», чунки у Совет Иттифоқининг ҳозирги замон асосий масалалари хусусидаги позициясини ифодалайди. Бундай савол-жавоблар «ҳар куни ўтказилавермайди», шу сабабли «Америка сиёсатини ишлаб чиқувчи кишилар уни ўрганишлари ва муҳокама қилишлари керак», — деди сенатор.

## ГДР БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Тошкент жамоатчилиги Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 36 йиллигини тантанали нишонлади. Шу санага бағишлаб ўтказилган йиғилишда ишчилар, фан, маданият намояндалари, студентлар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа жамияти активлари қатнашди.

Сўзга чиққан нотиқлар гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалаба натижасида немислар диёрида социалистик давлат бунёдга келганлиги ҳақида гапирдилар. Бу ғалабага Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшди. ГДРнинг Совет Иттифоқи, хусусан Ўзбекистон билан ҳамкорлиги йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Дўст мамлакатга республикамиздан пахта толаси жўнатилмоқда, саноат маҳсулотини айирбошлаш тобора кўпаймоқда. Йиғилишда Ўзбекистон билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона алоқалар бундан буён ҳам муттасил кенгайиб боради, деб ишонч билдирилди.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Афғонистон Демократик Республикаси элатлари ва қабилаларининг обрўли намояндаларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, республика Фанлар академияси Шарқшунослик институтида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Улар 4 октябрь куни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар.

Ташриф программасига мувофиқ, Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафар қилинади, ишчилар ҳамда колхозчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан танишилади.

(ЎзТАГ).



● РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАЗОРЛАРИДА «ОҚ ОЛТИН» ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА ● ПАХТАКОРЛАР ҲАР КУН, ҲАР СОАТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ ТЕРИМ СУРЪАТИГА СУРЪАТ ҚЎШМОҚДАЛАР ● «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАР ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАЯПТИ ● ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ЭЛ ХИРМОНИГА ТЎККАН «ОҚ ОЛТИН»И 218 МИНГ 626 ТОННАДАН ОШИБ КЕТДИ.

## «Оқ олтин» — Ватанга

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Хоразм | 2,31 | 63,92 |
| Фарғона | 1,25 | 62,46 |
| Бухоро | 1,84 | 58,12 |
| Наманган | 1,76 | 55,36 |
| Тошкент | 3,12 | 53,06 |
| Андижон | 1,30 | 50,38 |
| ҚҚАССР | 2,59 | 50,11 |
| Навоий | 2,25 | 47,47 |
| Сурхондарё | 2,52 | 46,34 |
| Самарқанд | 2,13 | 40,29 |
| Қашқадарё | 1,87 | 29,02 |
| Жиззах | 3,33 | 26,97 |
| Сирдарё | 4,09 | 25,81 |
| Республика бўйича: | 2,26 | 46,87 |




## БАЙРАМГА АРМУҒОНЛАР

**Совет демократияси байрами — СССР Конституцияси кунига шаҳримизнинг қатор ижодий коллективлари ўзига хос армуғон тайёрладилар.**

**— «Ўзбекистон» нашриёти, — деди нашриёт бош редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими В. Абдувалиев, — ўн икки плакатдан иборат «В. И. Ленин. Ҳаёти ва фаолияти» комплектини нашрдан чиқарди.** Плакатларда Владимир Ильич Ленин марказий музейининг Тошкент филиали фондидан олинган 100 дан ортиқ фотосуратлар, тарихий ҳужжатлар ва доҳий асарларининг фотонусхалари бор.

Плакатлар хронологик тартибда берилган бўлиб, унда доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолияти, Октябрь революцияси ҳаётбахш нурларининг Ўрта Осиёга етиб келиши, мамлакатда Ленин ғояларининг тантанаси ёритилган...

***

**— М. Горький номидаги рус давлат академик драма театри, — деди унинг директори Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими С. Р. Лейкина, — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни ўзининг энг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Бизнинг «Зинуля» номли янги спектаклимиз янги ҳаётнинг актив қурувчилари бўлишга, ҳар қандай нуқсон ва камчиликларга қарши қатъий курашишга ва виждон амри билан иш тутишга — фидойиликка чорлайди.** Театр СССР Давлат мукофоти лауреати, таниқли совет драматурги Александр Гельман билан мунтазам ижодий алоқа ўрнатган. Унинг янги пьесаси — «Зинуля» театр репертуаридан муносиб ўрин олди. СССР Конституцияси кунида биз меҳнатга коммунистик муносабатни улуғловчи, ҳаётда ўз ўрнини топишга чорловчи ушбу спектаклни кўришни томошабинларга тавсия этамиз.

***

**Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри СССР Конституцияси кунига Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» спектаклини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.**

— Биз, — деб таъкидлади театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров, — худди Ҳамзанинг ўзидек томошабинлар билан очиқ, рўйи-рост мулоқот қилишга интилдик. Янги ҳаёт учун кураш борган ўша олис ва суронли йилларни хотирлаш ёшлар учун, умуман томошабинлар учун қизиқарли бўлади деб ўйлаймиз.

***

**Ўзбекистон Давлат филармонияси етакчи коллективларининг гастроль маршрутларини филармония директори М. М. Муров шарҳлайди:**

— СССР Конституцияси кунини бизнинг кўпчилик ижодий коллективларимиз иш жойларида кутиб оладилар. Зеро санъатнинг сеҳрли тили ўлкамизнинг қардош республикалар оиласида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилмоғи лозим. Филармониянинг хор капелласи Украинада концертлар беради, симфоник оркестримиз Белоруссияга сафар қилади. Вакилларимиз шунингдек 7 октябрь куни Ставрополь шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ставрополь кузи» фестивалининг катта концертида иштирок этадилар.

Республикамиз пахтакорларини шу куни филармониянинг махсус ижодий бригадаси ўз концертлари билан хушнуд этади. 7 октябрь куни бригада Сирдарё область пахтакорларига концерт беради. Шундан кейин тошкентлик артистлар қишлоқ маданият саройи ва уйлари, Жиззах ва Тошкент областларининг дала шийпонларида бўлишади.

***

**«Советлар Иттифоқининг Асосий Қонуни» — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кинолаштириш бошқармаси ва шаҳар кинофильмлар прокати контораси томонидан уюштирилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиши ана шундай деб аталади.** Фильмлар фестивали программаси ҳақида кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Т. У. Хидиров қуйидагиларни гапириб берди.

— Шаҳримизнинг ўнта кинотеатрида, қатор маданият уйларида 7 октябрь куни совет демократияси тантаналарига, совет халқининг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси, меҳнат ғалабалари ҳақида ҳикоя қилувчи лентaларнинг тематик намойиши бўлади. «Тошсовет 50 йиллиги номли», «Ватан», «Қозоғистон», «Искра», «Чайка», «Москва» кинотеатрларида, темирйўлчилар, агрегат заводи, энергетиклар маданият уйларида томошабинларга «Магистраль», «Менинг номзодим», «Ёлғиз ва қуролсиз», «Тунги воқеа», «Мовий тоғлар», «Айблов» бадиий фильмлари, «Ватаннинг янги Конституцияси қабул қилинди», «Совет Россиясининг қизи», «Ҳаёт қонуни», «Қонун номи билан» ва бошқа ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Кинотеатрларнинг фойелари, маданият уйлари Ленин ғояларининг тантанаси ҳақида, совет кино санъатининг ривожланиши, мамлакатимизнинг турли киностудиялари ишлаб чиқарган янги фильмлар ҳақида ҳикоя қилувчи фотостендлар билан жиҳозланган.

***

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон нашриёти чоп этган «Владимир Ильич Ленин. Ҳаёти ва фаолияти» плакатлар комплектининг муқоваси; «Ўзбекфильм»да яратилган — «Уйғониш» ва «Бўйсунмас» фильмларидан кадрлар.**

**О. Апухтин ва Л. Глауберзон**

фотолари.





